


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

*60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб*

*таълими*

**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”яё, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи.....</i>	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.....</i>	
1.1.2. <i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....</i>	
1.2. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	4
1.2.3. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.4. <i>60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2. <i>60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйилган талаблар.....</i>	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи.....	10



## **1. 60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълида бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши**

Малака талаби **60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

-таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

-таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

-олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

-кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

-олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

### **1.2. 60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

#### **1.2.1. 60611300-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими** бакалавриат таълим йўналиши касбий фаолиятининг соҳалари бўйича ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида компьютер ва таълим бўйича комплекс масалаларни ечиш, илмий-тадқиқот ва бошқа таълимга оид марказлар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишни ўз ичига олган касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

#### **1.2.2. 60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**



– Умумий ўрта ва ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари, мос академик лицей, профессионал таълимда педагогик фаолият олиб бориш;

– ўқув-тарбия жараёни, ахборот технологияларига оид жараёнлар, ахборот-коммуникация тизимларига тегишли дастурлар, уларнинг математик, ахборот ва дастурий таъминоти, ахборот-коммуникация тизимларини ва мультимедиа технологиялари, илмий тадқиқот жараёнлари;

– таълим соҳасининг техник ва дастурий воситаларини лойиҳалаш, созлаш, ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ қилиш жараёнлари;

– таълимни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари;

– таълим тизимида қўлланиладиган қўшимча воситалар ва тизимлар;

– ахборот таълим воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган техника ва технологиялар;

– таълим жараёни; ўқитишнинг инновацион технологиялари ва методлари;

– таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

– лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш.

– мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни.

### **1.2.3. 60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик;
- ишлаб чиқариш;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш, ижодий ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот;
- консалтинг хизмати.

### **1.2.4. 60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

**60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:**

#### **Педагогик фаолиятида:**

– умумий ўрта, академик лицейлар, профессионал таълим тизимининг таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологияларига оид ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, илмий тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва касбий креативлик асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– махсус фанларни ўқитиш услубиётини эгаллаш;



– касбий фаолиятда ахборот-коммуникация тизимлари техник кўрсаткичларини билиш, мультимедиа технологияларидан фойдалана олиш, АТ–сервисларини тақдим эта олиш;

– касбий педагогик фаолиятда ахборот-коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш усулларини қўллаш;

– ахборот-таълим тизимлари тренажёрлари иш режимларини назорат қилиш ва керакли ҳолларда уни техник талаб даражасига мослаштириш қобилиятига эга бўлиши;

– турли фавқулодда ҳолатларда таълим муассасарида ахборот-коммуникация тизимлари жиҳозларини сақлашни ташкил этиш;

– таълим муассасарида ахборот-коммуникация тизимлари иш ҳолатини доимий назорат қилиб бориш, таҳлиллар ўтказиш ва керакли ҳолларда уларни иш ҳолатини оптималлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– ахборот таълим технологияларни жорий этиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дастурлаш хизматини кўрсатиш;

– ишлаб чиқариш соҳаларида автоматлаштирилган тизимларда операторлик қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни синаш, техник назоратни ва бошқарувини амалга ошириш;

– аудио, видео ва медиа таълим маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича ижодий-муҳандислик гуруҳи ишини ташкил этиш, турли фикрлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Лойиҳавий -конструкторлик фаолиятида:**

– дастурли компьютер ва автоматлаштирилган тизимлари воситалари ва электрон таълим тизимларини синаш ва эксплуатация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалиётда ахборот таълим технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубиётларни, инструментал ва дастурий воситаларини ихтисосликга мос равишда ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– таълимни замонавий ахборот усулларидан фойдаланган ҳолда интеллектуал ўқитиш тизимларини лойиҳалаштириш;

– махсус компьютер дастурлари ёрдамида электрон таълимни лойиҳалаш, ўлчаш, назорат қилиш ишларини амалга ошириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Фойдаланиш, ижодий ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:**

– таълим соҳада компьютер дастурларининг дизайнини ишлаб чиқиш, таълимни ахборотлаштириш жиҳатдан лойиҳалаш ва амалга ошириш;

– ахборот таълим технологияларни ўзлаштириш ва яратиш, таълим дастурларини ишлаб чиқаришда ижодий фаолият олиб бориш;

– турли кўринишдаги мультимедиа студияларида таълим дастурларини лойиҳалаштириш ва яратиш хизматини кўрсатиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ахборот таълим технологияларни ўзлаштириш ва яратишни, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, уларни чоп этиш билан боғлиқ ижодий фаолиятни бошқариш;

– таълим соҳасидаги дастурлаш ва менежмент фаолияти олиб бориш;

– таълим сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;



- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда педагогнинг ахборот муҳитини шакллантириш мавзуларида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;
- интернет тармоғида инновацион таълим технологиялари ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш ва амалиётда қўллаш;
- таълим технологияларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини таҳлил қилиш ва таълим тизимида жорий этиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

#### **Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- таълим технологиялар соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

## **2. 60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- педагогик ва психологик маданиятни ошириш ва лидерлик, ораторлик кўникмаларини шакллантириш;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;



- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга.

## **2.2. 60611300 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйилган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптимallasштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва он-лайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- таълимнинг барча шаклларида (анъанавий, масофавий ва ҳ.к) ўз педагогик фаолиятини тўғри ташкил қилиш;

- педагогик-бошқарув компетенциясига эга бўлиш асосида жамоага раҳбарлик қилиш;

- турли ахборот тизимлари билан ишлаш, ахборот ва маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ва улар асосида маълумотлар базасини юритишни билиш;



–Ижтимоий медиа тармоқлар асосида таълимни ташкил этиш ҳамда фрилансерлик фаолиятини юритиш;

–Таълимни инновацион технологиялар, креатив таълим методлари асосида олиб бориш ҳамда таълим олувчиларни креатив-инновацион компетенцияларини ривожлантириш;

–Педагогик фаолиятни ва фан юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни витаген таълимга мувофиқ муқобил ечимларини топиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

–Дивергент ва конвергент, креатив ва мантиқий фикрлаш асосида мустақил ишларни ташкил қилиш;

–Сунъий интеллект тизимлари, улардан таълим жараёнида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

–Таълимий лойиҳалар, бизнес режалар ва таълим муассасалариаро шартлоийҳалар, бизнес режалар ва таълим муассасалариаро шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга булиш;

–Рақамли муҳитда таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, мантиқий фикрлаши ва селф-леарнинг (мустақил ўқиш) кўникмаларига эга бўлиш;

– Ҳамкор ташкилотларни (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган) яратиш ва ривожлантириш учун лойиҳалар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга булиш.

### **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

#### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йуналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари унивеститети**

Ректор  **Б.Махкамов**



2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги  
Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни  
тадбиқ этиш маркази

Директор  **М.Эсонов**

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси Халқ  
таълими вазирлиги ҳузуридаги  
Республика таълим маркази

Директор  **Ш.Сатторов**

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_




Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги Таълим  
муассасалари фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини  
тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими

Бош  
мутахассиси  **Х.Собиров**

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТ га  
оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга  
ихтисослаштирилган мактаб

Махсус фанлар бўйича  
директор ўринбосари  **Д. Давидова**

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Кадрлар буюртмачилари

Кадрлар буюртмачилари